

**Ю**ртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ барча соҳалар қатори маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаётидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу тизим мамлакатимизда улкан янгиланишларнинг намунаси ҳамда фаол иштирокчиси сифатида эътироф этилмоқда.



## КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган йиллар бир-бирининг манткий давоми сифатида, аввало, инсон ва унинг манфаатларига, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ҳамда халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятлар ва анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

Таъкидлаш жоизки, Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини ошириш, оила-лар мустаҳкамлигини таъминлашда отахон ва онахонларимизнинг муносиб ҳиссалари бор.

Бирор эзгу ишга қўл урмоқчи бўлсак, аввало, кексаларимизнинг олдини ўтказиб, уларнинг фотиҳаларини олишга, тавсияси, йўл-йўриқларига кўра ҳаракат қилишга одатланганмиз. Чунки нурунийлар "оқ йўл" берган иш хайрли яқун топиши ва албатта, юксак самаралар келтириши ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган.

Иқтисодий қудрати тобора юксалиб, дунёда тенглар ичра тенг бўлиб бораётган мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатидан кўплав давлатлар андоза олаётгани айни ҳақиқатдир. Айниқса, Юртбошимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий кўлаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан нурунийлар йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида bepул-даволашни имкониятига эга бўлганини эшитган хориқликлар кексаларимизга хавас қилиши тайин.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

## Миллат даҳосининг ТИМСОЛИ

Мустақиллик йилларида халқимизнинг асрий орзулари амалга ошди. Фахру ифтихоримиз, миллий гуруримиз бўлган Алишер Навоийнинг руҳи шод этилди. Маънавий юксалиш миллий тараққиёт билан чамбарчас олиб борилди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зотлардан бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дид.

Энг чиройли метро бекати

Тошкент метрополитенининг "Алишер Навоий" бекатидан ҳар куни минглаб юртдошларимиз кундалик юмушлари билан ўз манзилига ошиқади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга — ҳамма-нинг дилида эзгу мақсадларга интилиб яшаш, яхши ният билан эртанги кунни, ёруғ келажакнинг пойдеворини яратиш тилаги мужассам. Учкур поездларга шошиллаётган одамлар миллий меъморлик ва замонавий архитектуранинг ноёб намунаси бўлган ушбу бекатдаги нақшларга, уларда тасвирланган Навоий асарлари қахрамонларига назар ташлаб, халқимизнинг бунёдкорлик даҳосига, улуг сўз санъаткорининг бадиий закосига таҳсин айтади.



Нақшкор гумбазлар, савлатли устунлар кишини хаёлан Навоий дунёсига, шоирнинг маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган ҳиссасини англашга етаклайди.

Иўловчилар оқими сусаймайди. Бекатда поезд кутаётган киши беихтиёр давр шиддати шошилтираётган ўз умри, бугунги ва эртаси ҳақида ўйлайди. Балки Навоий дostonлари қахрамонларини кўриб, ёшларда саволлар туғилар, кексалар болалигини эслар, ота-оналар

(Давоми иккинчи бетда)

Жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига амал қилган ҳолда, юксак демократик тамойиллар асосида ташкил этиш юзасидан 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

## Қонунийлик — бош мезон

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Яхшино Аллаёров.

— Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини

(Давоми иккинчи бетда)

### Xabar

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2014 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ғозиев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлиги, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларни ҳимояси борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш ҳамда судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фар-

монлари судьяларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Бу суд ҳокимиятининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, мустақиллигини мустаҳкамлашга замин яратди.

Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолияти янада такомиллаштирилгани аҳолига қулайликлар яратмоқда. Жумладан, кейинги пайтда қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди иш бошлади. Мазкур тизимда судьялар сони бирмунча кўпайтирилди. Бундай чора-тадбирлар суд ишларини ўз вақтида, самарали кўриб чиқишга хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Тергов сири — жиноий қилмишларни тез ва самарали фош этиш, тергов ҳамда суд жараёнларига таъсир ўтказишнинг олдини олиш, адолатли суд яқунлари, ҳукм ва худосаларга йўл очишда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги Жиноят кодексининг 239-моддасида суриштирув ва дастлабки тергов маълумотларининг рухсат этилмаган тарзда ошкор қилинишига нисбатан жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

### Huquqiy ma'rifat

## Тергов сири

уни ошкор этиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Миллий қонунчилигимиздаги ушбу қоида тергов сири бeрyхсат ошкор этиш ёки тергов сири сақлашга ҳалал бeриш учун уриниш каби қилмишларни барта-

раф этишга қаратилган. Бинобарин, тергов сири сақлаш орқали том маънодаги қонуний ва адолатли суд ечимларига йўл очилади. (Давоми учинчи бетда)

### Mezon

## Даъво мuddати

одил судловни таъминлашда муҳим ўрин тутаети

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", дея белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий меъёр фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда гоятда муҳим ўрин тутаети.

(Давоми иккинчи бетда)





